O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI ANDIJON VILOYATI
XO'JAOBOD TUMANI HOKIMINING

Q A R O R I

2022 - yil 9 - sentabr 460-1-27-Q/22 Xo'jaobod tumani hokimligi

Хўжаобод тумани ҳудудан ўтувчи А-373 "М-39 Гулистон-Бўка-Ангрен-Қўқон ва Андижон орқали –Ўш" халқаро ахамиятдаги автомобиль йўлининг 475 км қисмига 3.27 йўл белгиси ўрнатишга рухсат бериш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 10 апрелдаги "Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги ЎРҚ-348-сонли Қонун ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 25 декабрдаги "Йўл ҳаракати қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида"ги 370-сонли қарори ижросини таъминлаш, туман Ички ишлар бўлимининг 2022 йил 17 августдаги 42/1-1602-сонли хатига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг "Маҳаллий давлат ҳокимяти" тўғрисидаги Қонунининг 6 моддасига асосланиб;

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Хўжаобод тумани Ички ишлар бўлимининг 2022 йил 17 август кунги 42/1-1602-сонли алоқа хати маълумот учун қабул қилинсин.

2. Мазкур қарор қабул қилиниши муносабати билан:

- Хўжаобод тумани ҳудудидан ўтувчи А-373 "М-39 Гулистон-Бўка-Ангрен-Қўқон ва Андижон орқали–Ўш" халқаро ахамиятдаги автомобиль йўлининг 475 км қисмига 3.27 йўл белгиси ўрнатилишига рухсат берилсин.

3. Хўжаобод туман Ички ишлар бўлими (Р.Жалолдинов) ҳамда туман Йўл ҳаракати ҳавфсизлиги бўлими (Ш.Қурбонов)ларга туман автомобил йўллардан фойдаланиш УК (Д.Қосимов) билан келишилган ҳолда:

Хўжаобод тумани ҳудудидан ўтувчи А-373 "М-39 Гулистон-Бўка-Ангрен-Қўқон ва Андижон орқали–Ўш" халқаро ахамиятдаги автомобиль йўлининг 475 км қисмига 3.27 йўл белгиси ўрнатиш вазифаси юклатилсин.

4. Туман ички ишлар бўлими (Р.Жалолдинов)га ушбу ҳудудда ҳаракатланувчи транспорт воситаларини мазкур йўл белгиларига қатъий риоя қилинишига ҳамда ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш вазифаси юклатилсин.

5. Мазкур қарор оммавий ахборот воситалари орқали эълон қилинган кундан бошлаб қонуний кучга киради.

6. Хўжаобод туман ҳокимлиги матбуот хизмати (С.Хамзаев)га ушбу қарорни "Хақиқат" газетаси ва туман ҳокимлиги расмий веб-сайтига жойлаштириш вазифаси

топширилсин.

7. Ушбу қарорни ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари Д.Имолдинов зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими **У.Шукуров**